

ҚИЗИЛТУРУҚ МАЙДОНИНИНГ ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ

Рўзимуродов Рамазон Рўзимуродович

Мирзо Улуғбек номидаги ЎЗМУ

Геология ва геоинформацион тизимлар

Факултети Геология юналиши

2-босқич магистранти

Аннотация: Олтин казиб олиш саноатини ривожлантириш ва қимматбах,о металллар ишлаб чиқаришни ошириш Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги муҳим йўналишларидан бири саналадиган ҚИЗИЛТУРУҚ МАЙДОНИНИНГ ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ

Калит сўзлар:геологик тузилма, апокарбонатли маданлашув,структуравий яруслар

Қизилтуруқ маъданли майдонидан ташкил топган ҳудуд геологик тузилмасини тавсифлаш учун, кесим бўйича нисбатан қадимий ҳисобланган жинслар қатламларидан нисбатан ёшроқ қатламларга томон йўналишда ажратиб чиқишнинг имкони мавжуд эмас, яъни бунда қатламларда тектоник аралашилар таъсири натижасида нисбатан қадимий қатлам жинсларининг структуранинг автохтон қисмларини ташкил қилувчи, нисбатан ёшроқ қатламлар жинслари таркибига аралашиб кетиши қайд қилинади, олистострома комплекси таркибида эса, олистолитлар кўринишида, нисбатан кечки тошқўмир даврига тегишли бўлган матрикс қатламлари таркибида катта миқдордаги қуйи – ўрта палеозой даврига тегишли кесимларга хос бўлган жинслар қатламлари учрайди. Ушбу ҳолатга боғлиқ кўринишда, стратиграфик бўлинмаларга ажратиш тавсифлари уларнинг структура яруслари билан боғлиқ ҳолатда амалга оширилади.

Ўрганилаётган ҳудуд кесим турлари бўйича Зарафшон-Ҳисор тузилиш-формациялари ҳудудларидан бири ҳисобланади(1 расм). У асосан ордовек, силур ва девон даврларининг карбонат ётқизиқлари кенг ривожланган ҳудуддир.

Ордовик, силур ва девон ётқизиқлари Жиннидарё антиклинали ва Сумсар синклинали туманининг барча асосий чўкинди тузилишларида қатнашади.

Литологик-фациал муносабат жиҳатидан туман ётқизиқлари саёзлик жойларининг корал-чиғаноқли фауналари, корал фауналари билан кенг лагуналарнинг доломит ва доломитли оҳактошлари,

шельfli денгизнинг очиқ кўринишдаги кремний-карбонатли жинслари ҳамда шельфнинг чуқур ҳудудларига тегишли бўлган терриген-карбонат-кремнийли жинслари билан келувчи кам сувли шельfli оҳактошлар билан берилган.

Тошкўмир тизими туманнинг Шимоли-Шарқий қисмида ривожланган, неоген ва тўрламчи давр кётқизиқлари эса Жиннидарё дарёсининг чап қирғоқларида тарқалган.



1-расм. Қизилтуруқ маъдан майдонининг геологик харитаси

2.2. Стратиграфик табақалари

Тадқиқод райони Жанубий Тянь-Шань тоғлар системаси Зарафшон-Олой структуравий-шаклсион зонасининг Ғарбий Чақил-Калон маъданли ҳудудига мансуб.

ХУЛОСА

Қизилтуруқ маъдан майдонида кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб, улардан олинган натижаларни ўрганиб, хулоса тариқасида айтиш мумкинки ҳудуд турли-хил фойдали қазилмаларга истиқболли бўлиб, олтин (Au), вольфрам (W), сурма (Sb), маргимуш (As) каби фойдали қазилмалар маъвжуд ва тоғ жинсларидан турли хилдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш

мумкин. Айниқса олтиннинг миқдорини иқтисодий жихатдан самарали дейиш мумкин. Баъзи майдонларда олтиннинг миқдори 4 г/т ни ташкил қилади.

Қизилтуруқ маъданли майдонидаги олтин рудаси саноат аҳамиятига эга бўлган минераллар бирлашмаси – кварц-пирит-арсенопирит-олтин рудасидир. Карц-сулфид-олтин туридаги рудалар ҳосил бўлишида олтин учун Fe, Ag, As, Cu, Sb, Bi, Pb, Zn каби элементларнинг олтингургут бирикмалари билан яқин алоқа мавжуд. Фойдали қазилма кони қатламларида маъдан сақловчи жинслар сифатида кремнийли, кремнийли-карбонатли сланецлар қайд қилиниб, уларда хлорит-серицит-кварц-пиритли метасоматитлар кузатилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ежков Ю.Б., Рахимов Р.Р., Новикова И.В.. Газнок – первое в Узбекистане перигранитное золото-редкометальное месторождение в карбонатных породах // Руды и металлы. - Москва, 2011. - № 6. - С. 57-66.

2. Пирназаров М.М., Пирназаров Маъмур М., Мирабдуллаев А.Х. Сопоставительные характеристики ведущих и нетрадиционных, локализованных в карбонатной среде, типов золотого оруденения в Узбекистане. // Геология и охрана недр.- №1 (70), Алма-Ата, 2019. - С.132-138.

3. Артыков А.А., Рустамов А.И., Исмаилов Б.Д. О структурно-морфологической особенности золоторудных тел в Кызылтурукском рудном поле (Чакылкалянские горы, Западный Узбекистан) // Geologiya va mineral resurslar. - Ташкент, 2008. - № 2. - С. 73-78.

4. Хакбердиев Н.М., Мирусманов М.А.. К вопросу о геологическом строении и условиях размещения золотого оруденения месторождения Широтный. /Сборник Жур. «Техника юлдузлари» ТГТУ, 2010 г.